



Ўзбекистон Республикаси, Навоий шаҳри, Зарафшон кўчаси 1-уй, 6-хона. Тел, (91) 986-35-80

№ 02/61-20

"25" 09. 2020 й.

- Навоий шаҳар, Зарафшон кўчаси 1-уй, 6-хона, телефон рақами: +99891-986-35-80.
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2020 йил 23 январда 00840-сонли лицензия берилган.
- Ҳисоб рақами: 20 208 000 305 159 930 001, АКБ «Туронбанк» Тошкент шаҳар М.Улугбек филиали, МФО: 01154, СТИР: 307 005 873, ОКЭД: 69202.
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 21 декабрда 05170 - сонли малака сертификатини олган аудитор Шарипов Ю. молиявий фаолиятини аудит қилди.

**“Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятида
2019 йил молиявий ҳисоботи бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари
тўғрисида тузилган**

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Кармана тумани

2020 йил 25 сентябрь

Мен, маъсуляти чекланган жамият шаклидаги «Agrotaxlil» аудиторлик ташкилоти филиали аудитори Шарипов Ю. “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” акциядорлик жамиятининг 2019 йилнинг 1 январь кунидан 31 декабргача бўлган вақт оралиғи учун тузилган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти мазкур текширув бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Мен, аудиторлик текширувини АФМСга мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақоза этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига шунингдек, молиявий хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатини мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Мен томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослаб беради деб ҳисоблайман.

Менинг фикримча «Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» акциядорлик жамияти томонидан тузилган молиявий ҳисоботи молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

Маъсуляти чекланган жамият шаклидаги
«Agrotaxlil» аудиторлик ташкилоти
филиали аудитори:



Ю.Шарипов